Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 5 октябрь, № 200 (6894) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2017 йил 5 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 28 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 4 октябрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисидаги Шартнома (Бишкек, 2017 йил 5 сентябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 4 октябрь
№ ЎРҚ—447

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Нью-Йоркда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси доирасида Сиз билан учрашиш имконияти ҳамда очиқ ва самимий мулоқот учун миннатдорлик билдираман.

Сизни Ўзбекистонни жадал ривожланган хусусий секторга, инклюзив ва барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга эга замонавий давлатга айлантириш йўлидаги фаолиятингиз билан яна бир бор қутлайман.

Жаҳон банки гуруҳи Сизнинг бу борадаги фаолиятингизни қўллаб-қувватлашга тайёр экани, Сиз томонингиздан ташкилотимизга билдирилаётган ишончни юксак қадрлашимизни алоҳида қайд этмоқчиман. Биз Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда Сизнинг етакчи ҳамкорингиз бўлишга тайёрмиз, ўтган ҳафта умумий қиймати 450 миллион АҚШ долларига тенг учта инвестиция лойиҳасини имзолаганимиз шундан далолат беради. Ушбу лойиҳалар Ўзбекистонга электр энергетикаси, ирригация ва чорвачилик тармоғини ривожлантиришни рағбатлантириш учун зарур бўладиган сармоя киритиш имконини беради.

Сизнинг мева-сабзавотчилик ва чорвачиликни ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалиги соҳасини диверсификация қилиш ва самарадорлигини оширишга қаратаётган алоҳида эътиборингиз менда катта таассурот қолдирди. Пахта йиғим-теримида иштирок этувчилар меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш ҳамда олдин қўлланилган меҳнат шаклларини бартараф этиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларингиз жуда ижобий қабул қилинди.

Мен Сизнинг техник ва молиявий кўмак бўйича мурожаатингизни кўриб чиқдим ҳамда уларни тайёрлаш бўйича ишни тезлаштириш юзасидан топшириқ бердим. Сизнинг ташаббусингиз билан ишлаб чиқилган Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида эҳтиёжлар ортишини инобатга олиб, биз мамлакатингиз билан Шериклик стратегияси доирасида Жаҳон банки гуруҳи томонидан молиялаштиришни тезлаштириш ҳамда таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, ижтимоий ва асосий инфратузилмани модернизациялаш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда юқори даражадаги техник кўмак тақдим этишга тайёрмиз.

Мен Жаҳон банки бош ижрочи директори Кристалина Георгиева ва минтақавий вице-президенти Сирил Мюллерга истиқболдаги ҳамкорлигимизни муҳокама қилиш ва келишиб олиш учун Сиз билан яқин вақтда учрашиш бўйича топшириқ бердим. Музокараларимиз давом этишини сабрсизлик билан кутиб қоламан.

Ҳурмат билан,

Жим Ёнг КИМ,
Жаҳон банки гуруҳи президенти.

«NEW YORK POST» ГАЗЕТАСИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ ҲАҚИДА МАҚОЛА ЧОП ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиш учун жорий йил 18 — 20 сентябрь кунлари Америка Қўшма Штатларига ташрифи доирасида қатор давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашди. Жумладан, Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори Кристин Лагард ва Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм билан музокаралар самарали бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи якунлари жаҳон оммавий ахборот воситалари, жумладан, Америка Қўшма Штатлари матбуоти диққат марказида бўлиб турибди. Хусусан, «New York Post» газетасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг учрашувлари ҳақида мақола чоп этилди. Қуйида ушбу материал матни келтирилмоқда:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига ташрифи доирасида 2017 йил 19 сентябрь куни Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) фармойиш берувчи директори Кристин Лагард билан учрашди.

Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда Ўзбекистон ва ХВЖ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда бизнес ва инвестиция муҳитини яхшилаш масалаларини муҳокама қилди.

Кристин Лагард 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган иқтисодий ва таркибий ислоҳотлар муваффақиятли кечаётганини қайд этди. Ўзбекистон учун муҳим тарихий аҳамиятга эга ушбу ислоҳотлар қатъият билан, чуқур ўйланган ҳолда, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ва халқ манфаатлари ҳисобга олиниб, босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидлади.

ХВЖ раҳбари Жамғарма техник ёрдам ва иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсиялар тақдим этиш орқали Ўзбекистон молиявий тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ХВЖни ўзининг муҳим молиявий-иқтисодий шериги деб ҳисоблаши ва ўзаро инвестициявий алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Учрашув якунида Кристин Лагард ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун Ўзбекистон билан тегишли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида мавжуд барча имкониятларни ишга солишини билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм билан ҳам учрашув бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда Американинг дунёга машҳур «General Motors», «Boeing», «General Electric», «CNH Industrial», «Honeywell» каби қатор корпорациялари, бошқа фирма ва компаниялари муваффақиятли фаолият юритаётганига мисоллар келтирди.

«Биз АҚШнинг етакчи компаниялари Ўзбекистонда, аввало, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик қувватлар яратишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда янада кенг иштирок этишидан манфаатдормиз. Инвестициялар ҳақида сўз юритганда, биз, биринчи навбатда, молиявий ресурслар жалб қилишга эмас, балки ташқи бозорда харидоргир бўладиган рақобатдош товар ва брендлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган илғор технологияларни, бошқарувнинг замонавий ва корпоратив усулларини жорий этишга интилмоқдамиз», деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Кэролин Лэмм Президент Шавкат Мирзиёевга Америка — Ўзбекистон савдо палатаси фаолиятига давлат томонидан қаратилаётган эътибор ва кўмак учун миннатдорлик билдирди. Икки томонлама тадбирлар, жумладан, палата учрашувлари ва бизнес форумларини мунтазам ташкил этиш ўзаро савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни янада кенгайтиришга янги суръат беришини таъкидлади».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2017 йил 4 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ишни "Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2017 йил 5 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи давомида эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан қабул қилинган амалий ҳаракатлар Режаси ("Йўл харитаси") ижросини таъминлашга қаратилгандир.

Шартнома билан 1170,53 километр узунликдаги ўзбек-қирғиз Давлат чегара чизиғининг Тавсифини ва ўзбек-қирғиз Давлат чегараси делимитациясига оид картографик ҳужжатларни, шунингдек, электрон (растрли) картографик ҳужжатларни тасдиқлаш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатга биноан томонлар қолган участкалардаги Давлат чегара чизиғи ўтиши масалаларини ҳал қилиш учун музокараларни давом эттирадилар ҳамда тегишли шартномани тайёрлайдилар. Шунингдек, Шартномада ўзбек-қирғиз демаркация Қўшма комиссиясини тузиш ҳам назарда тутилган бўлиб, комиссия Шартномага мувофиқ Давлат чегарасининг келишилган айрим участкаларида демаркация ишларини амалга оширади.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, чегара мавзуси икки мамлакат муносабатларидаги асосий масалалардан бири бўлиб, ушбу шартноманинг ратификация қилиниши давлатларнинг икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш, қардош халқларимиз дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий асос ва янги омил бўлиб хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури**га мувофиқ ишлаб чиқилган** "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқдилар. Хусусан, қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар киритилмоқда. Унга кўра, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган ва жиноят қуроли ҳисобланган ашё мусодара қилинишига йўл қўйилмайди ва бундай ашё қонуний эгаларига қайтариб берилиши лозим. Мазкур янги норма юқорида кўрсатилган шахсларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам худди шундай ўзгартишлар киритилди. Ўзгартишларга мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини, агар улар ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлмаса, мусодара қилиш мумкин эмас, муомаладан чиқарилган ашёлар бундан мустасно.

(Давоми 2-бетда).

СЎЗ — ЯЛПИ МАЖЛИС ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Очиқ ва халқпарвар сиёсатнинг ёрқин ифодаси

Парламентимиз юқори палатасининг ўн иккинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига тааллуқли қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Муҳокамалар жараёнида сенаторлар кун тартибига қўйилган масалаларнинг аҳамияти ниҳоятда муҳим эканлигини қайд этишди. Мухбиримиз бу ҳақда ялпи мажлис иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Тожибар ЮЛДАШЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси (Андижон вилояти):

— Дарҳақиқат, Сенатнинг навбатдаги мажлисида бир қанча масалалар қаторида, "Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисида Шартномани (Бишкек, 2017 йил 5 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонун муфассал кўриб чиқилди. Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат икки халқ ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга, икки давлат манфаатлари муносабатларини ривожлантиришга қаратилгани билан тарихий аҳамиятга эга.

Маълумки, ўзбек-қирғиз халқлари азалдан аҳил-иноқ, қариндош-уруғ, қудаанда бўлиб яшаб келган. Юртимизнинг қўшни Қирғизистон билан чегарадош туманида ўз фаолиятимни олиб бориш давомида ҳудудимиздаги қирғиз миллати вакиллари билан доимо биргаликда, ёнма-ён, елкама-елка туриб меҳнат қилиб келамиз. Вилоятимизда 20 дан ортиқ мактабларда қирғиз тили ўқитилади. Андижон давлат университетида қирғиз тили ва адабиёти йўналишида талабалар таҳсил олади.

Очиғини айтганда, икки давлат раҳбарлари томонидан чегара тўғрисидаги шартнома имзолангунга қадар чегара ҳудудидаги қирғиз ҳамда ўзбек миллатига мансуб аҳоли ўзаро тўй ва маъракаларда чақирув телеграммаси орқали кўришиб туришарди. Асрлар давомида бирга яшаган икки қўшни халқ вакиллари бу кунни кўпдан бери кутаётган эди. Бу, айниқса, Фарғона водийсининг чегарадош ҳудудида истиқомат қилувчи одамларнинг яқинлари билан дийдорлашуви учун жуда катта қулайлик яратди. Қисқаси, икки халқнинг чегарадаги учрашуви тўйга айланиб кетди. Ушбу катта анжуманда 7 ёшдан 70 ёшгача, яъни ёшу қари иштирок этиб, Президентимизга ўз ташаккурларини билдирдилар.

Муҳаммаджон МАҚСУДОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси (Наманган вилояти):

— Бугун Фарғона водийсидаги Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари аҳолиси Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан чексиз миннатдордир. Чунки давлатимиз раҳбарининг Қирғизистонга амалга оширган давлат ташрифи биргина сиёсий тадбир эмас, балки юз минглаб инсонларнинг тақдирида, ҳаётида ўчмас из қолдирган тарихий воқеа бўлди. Зеро, музокаралар якунида икки давлат ўртасида қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараси тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ҳаммамизга яхши маълум, асрлар давомида ўзбек-қирғиз яқин қўшни бўлиб тинч-тотув яшаган, қиз бериб, қиз олган. Бошқача айтганда, ўзбекларда "Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни афзал", деган мақол борки, бу теран маънога эга. Давлат чегараси тўғрисидаги шартноманинг имзоланишини, умуман, чегаралар очилаётганини икки халқ орзиқиб кутди. Бугун ана шу истак рўёбга чиқди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ЛИНИЯ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Республикамизда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тобора кенг кўлам касб этмоқда. Натижада қурилиш материалларига бўлган талаб янада ортаяпти. Шундан келиб чиқиб, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти тизимидаги ISO 9001 халқаро сифат сертификатига эга "Оҳангаронцемент" акциядорлик жамияти томонидан ўтган йили 1 миллион 860 минг тоннадан ортиқ 6 турдаги цемент тайёрланиб, унинг асосий қисми ички буюртмачиларга етказиб берилган бўлса, маълум миқдори экспорт қилинди.

ИНТИЛИШ

Президентимизнинг 2016 йил 25 октябрдаги "Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини бундан-да ривожлантириш ҳамда диверсификация қилиш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда унинг экспорт потенциалини ошириш каби ишларга янгича суръат бағишлади.

Корхона мутахассислари иқтисодиётнинг саноат, архитектура, шаҳарсозлик каби турли соҳалари учун зарур бўлган янги турдаги материаллар яратиш пайида бўлаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Бу ерда юқори ҳароратга бардошли пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги линия фаолияти йўлга қўйилгани бунинг тасдиғидир.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий топтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инвестиция ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

(Давоми 4-бетда).

Қишга тайёргарлик:

Аҳоли иссиқлик таъминотидан розими?

Аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ҳолати таҳлилига бағишланган йиғилишда Президентимиз куз-қиш мавсумига тайёргарлик дастурлари ижросини танқидий қайта кўриб чиқиш, режалаштирилган чора-тадбирларни манзилли ҳамда мақсадли амалга ошириш, маблағлардан самарали фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни қўллашни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бу борадаги ишларни вилоятлар ва соҳалар кесимида эмас, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй амалга ошириш кераклиги қайд этилди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Хўш, бу ишлар пойтахтимизда қандай олиб борилмоқда? Тошкентда иситиш мавсуми қачон бошланади? Иссиқ сув ҳамда иситишда узилишлар бўлмайдими? Ҳаво совуқ пайтларда хонадонлардаги ҳарорат меъёридан пастга тушиб кетмайдими? Куз келиб, қиш яқинлашган сайин бундай саволлар пойтахт аҳолисини чинакамига бир қадар хавотирга солади.

Аслида, уйларни иситиш қачон бошланиши керак? Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланишича, иситишга ташқаридаги бир суткалик ўртача ҳарорат беш кун давомида 8 даражадан паст бўлган тақдирда киришилади. "Тошиссиққуввати" давлат унитар корхонаси ушбу жараённи шаҳар ҳокимлиги тасдиқлаган муддатларда амалга киритади ва якунига етказади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Прокуратура тўғрисида"ги, "Банкротлик тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Жиноят-процессуал, Меҳнат, Жиноят-ижроия, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Оила, Солиқ ва Бюджет кодексларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, "Прокуратура тўғрисида"ги қонун Бош прокуратура ҳузурида тузилган Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий бўлинмалари мақомини белгилаб берувчи янги норма билан тўлдирилмоқда. Бундан ташқари, бир қатор ўзгартишлар суд ижрочиси ўрнига давлат ижрочиси лавозимининг киритилиши билан боғлиқ.

Бундан ташқари, қонунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасида назарда тутилган умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқларидан ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларидан фойдаланишга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судьяларга тааллуқли бўлиши назарда тутилмоқда. Умумий фойдаланишдаги электр ва газ тармоқларидан, шунингдек, электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш асбобларидан фойдаланишга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига тааллуқли бўлиши белгиланган.

Шу билан бирга,Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги "Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ "Ветеринария тўғрисида"ги, "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Бюджет кодексига ўзгартишлар киритилмоқда. Давлат ветеринария қўмитаси тузилиши муносабати билан мазкур ўзгартишлар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария давлат бош бошқармаси" сўзларини "Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси" сўзларига алмаштириш назарда тутилмоқда.

"Ветеринария тўғрисида"ги қонунга киритилаётган ўзгартишлар билан Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ваколатларига ветеринария соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириб бориш вазифалари киритилган. Шунингдек, давлат бошқарувининг мазкур органига ветеринар ососийишталикни таъминлаш, ҳайвонларнинг юқумли касалликларини эрта аниқлаш, уларга ташхис қўйиш ва улар тарқалишининг олдини олишга доир ишларнинг самарадорлиги мониторингини амалга ошириш каби вазифалар ҳамда — бошқа функциялар юклатилган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сенатнинг мазкур ташаббуси, энг аввало, мамлакатимизда фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш долзарб эканлиги туфайли юзага келди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, адолатли меҳнат шароитларига эга бўлишдан иборат умумэътироф этилган ҳуқуқларини амалда таъминлаш учун шарт-шароит яратиб берган мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилди. Халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган мазкур асосий ижтимоий ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. Уларда болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга аниқ тақиқлар қўйилган.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) аъзоси бўлгани ҳолда, мазкур ташкилотнинг 14 та конвенциясини, шу жумладан, болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тўғрисидаги конвенцияларни ратификация қилди. Ушбу конвенцияларнинг қоидалари босқичма-босқич миллий қонун ҳужжатларимизга имплементация қилинди.

Ўзбекистон томонидан бу соҳада ХМТ билан яқин ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, ҳозирги вақтда фуқароларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир бир қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи 2017 — 2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури амалга оширилмоқда. ХМТ билан амалий ҳамкорлик туфайли мамлакатимизнинг халқаро нуфузи сезиларли даражада яхшиланди ва аниқ силжишларга эришилди.

Мамлакатимизда Болалар ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларнинг аҳволини мониторинг қилиш давлат органлари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари бўйича фуқаролик ва миллий институтлар томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Жумладан, мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат батамом йўқ қилинди. ХМТ конвенцияларига риоя қилиш борасида жиддий камчиликлари бўлган давлатлар рўйхатида Ўзбекистон номи 2014 йилдан бери тилга олинмаяпти.

Сенаторлар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш устуворликлардан бири сифатида белгилаб қўйилганлигини қайд этдилар. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги катта ишларнинг алоҳида энг муҳим йўналиши бўлди.

Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимиз халқаро мажбуриятларга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига собитқадамлик билан риоя этишини қатъий тасдиқлаган ҳолда, халқаро стандартларга мувофиқ, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини бундан буён ҳам таъминлашни кучли назорат остига олиб, бу соҳада амалий халқаро ҳамкорлик учун очиқ эканлигини билдирди.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ҳамда унга йўл қўймаслик ва бу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқларини шаксшубҳасиз таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатиш борасидаги давлатимизнинг сиёсий иродасини ялпи мажлисда минтақалар вакиллари алоҳида эътироф этдилар.

Мажлис иштирокчилари мажбурий меҳнат хавфига йўл қўймасликка доир барча чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳозирги босқичда меҳнат муносабатлари соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар яхлит ва тизимли бўлишига эришиш, давлат органлари жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик борасидаги имкониятларни имкон қадар самарали ишга солишлари зарурлигини таъкидладилар.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мажбурий меҳнат хавфига йўл қўймаслик, айниқса, қишлоқ хўжалигида йўл қўймаслик мақсадида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, аграр секторни механизациялаш даражасини ошириш, бу соҳага инновацион технологияларни жорий этиш бўйича қатор долзарб вазифаларни ҳал қилиш зарур бўлади. Бундан ташқари, сенаторлар таъкидлаганларидек, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ва тўлиқ ахборот етказиш муҳимлигини таъкидладилар. Мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларини ўтказишга, аҳолининг, ташкилотлар ва муассасалар, фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган ахборот кампаниясининг ҳамда меҳнат муносабатлари соҳасидаги қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган бошқа чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ҳам зарур.

Батафсил муҳокамалар якунига кўра, сенаторлар қарор қабул қилдилар, унга кўра Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси тузилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига тегишли ҳудудий комиссиялар тузиш тавсия этилди. Улар фаолиятининг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Парламент комиссияси фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, парламентнинг тизимли назоратини ўрнатиш мақсадида белгилаб олинган тартибга кўра, Парламент комиссияси фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан, мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларини бажариш юзасидан марказда ва жойларда давлат органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари фаолиятини ўрганиш натижалари тўғрисида мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси муҳокамасига ахборот киритиб боради. Ҳудудий комиссиялар тегишли ахборотни мунтазам равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари муҳокамасига киритиб боради.

Бундан ташқари, Сенатнинг ушбу қарори билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди. Унда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ХМТнинг ратификация қилинган конвенциялари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш, ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, ушбу соҳада ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича қатор тадбирлар назарда тутилган.

Қарорга кўра, қонун ҳужжатлари ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ҳар йилги ахборот БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ахборати сифатида тарқатилади.

Сенат қарорида белгилаб қўйилганидек, мамлакатимизнинг чет элдаги консуллик муассасалари орқали жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан, халқаро молия институтлари эътиборига фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақидаги ахборот етказиб турилади.

Қарорга мувофиқ, ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасига бозор механизмларини, ҳозирги замон фан ва техника ютуқларини жорий этишни давом эттириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, механизацияланган теримни кенг қўллаш учун шарт-шароит яратиб берадиган ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасини механизациялашда максимал самара берадиган ғўзанинг янги навларини етиштириш, шунингдек, жалб этилаётган мавсумий ишчиларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришнинг турли усулларини ишлаб чиқиш, бу соҳадаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўрилади.

Қарорда жойларда меҳнатга доир қонун ҳужжатлари сўзсиз ижро этилаётганлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, аҳоли ўртасида ушбу масалалар юзасидан кенг ахборот-тушунтириш ишларини ўтказишда ва бошқа тадбирларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирокига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига ижтимоий шериклик доирасида муносиб меҳнат шароитларини яратиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар ажратиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тавсия этилди.

Муҳокама якунларига кўра, мажлис иштирокчилари халқаро ташкилотларни, молия институтларини мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирларга баҳо беришда холис бўлишга даъват этдилар.

Сенаторларнинг фикрича, қабул қилинган қарор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари нормалари ва халқаро шартномаларининг бажарилиши устидан парламент ҳамда жамоатчилик назорати таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди таркибларига ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси таркибига ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги ҳамда бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини босқичма-босқич ижро этишга қаратилган, Сенат ваколатига кирадиган 8 та масала, шу жумладан, 2 та қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан қабул қилинган қарорлар халқаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолиши таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

С. Р. КОШАЕВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ СУДЬЯСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сайёра Режипбаевна **Кошаева** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 4 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:
Акром Жўрақулович **Утаев** муддатсиз даврга
Вохид Маматалиевич **Назаров** муддатсиз даврга
Гулнора Анваровна **Мирзаева** беш йил муддатга
Ибрагим Исакович **Таджиев** ўн йил муддатга
Лукмон Мухтарович **Кадиров** муддатсиз даврга
Нишанмурод Мухтарович **Мирзаалимов** ўн йил муддатга
Умидахон Адҳамовна **Имомова** ўн йил муддатга
Учқун Холбоевич **Рўзиев** ўн йил муддатга
Хамра Жахангирович **Бердикличев** ўн йил муддатга
Хуршид Искандарович **Қосимов** ўн йил муддатга
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 4 октябрь

Бишкекда Шароф Рашидовга бағишланган кўргазма бўлиб ўтади

Жорий йил 31 октябрь куни Қирғизистон пойтахтида Ўзбекистоннинг атоқли давлат арбоби ва ёзувчиси Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кўргазма бўлиб ўтади.

Қирғизистон Миллий кутубхонаси матбуот хизматининг хабар беришича, Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Комил Рашидовнинг мазкур кутубхона директори Жилдиз Бакашова билан учрашуви чоғида ана шундай келишувга эришилган.

Томонлар қатор тадбирлар, хусусан, Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига (31 октябрь) ҳамда икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 25 йиллигига (2018 йил 23 январь) бағишланган кўргазмаларни ташкил этишга келишиб олдилар.

Учрашувда мамлакатимиз дипломатия миссияси раҳбари кутубхонага атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ўзбек тилидаги танланган асарлари тўпламини туҳфа қилди. Китоб республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек ва қирғиз халқларининг дўстлиги ҳамда Чингиз Айтматов мероси аҳамиятининг боқийлиги ҳақидаги мурожаати билан бошланади.

«Жаҳон» АА.
Бишкек

Очиқ ва халқпарвар сиёсатнинг ёрқин ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сенаторлар ялпи мажлисда мазкур Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги Қонунни кўриб чиқиш асосида, бу эндиликда яқин қўшничилик муносабатлари, ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Тоҳир БАҲРОНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси (Бухоро вилояти):

— Сенаторлар ялпи мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш чоғида давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи, унинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратишди.

Бинобарин, унда Президентимиз мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳаётга татбиқ қилинаётган ўзгаришлар, кўрилаётган аниқ чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтди. Жумладан, Ўзбекистонда болалар меҳнатига чек қўйилганлиги алоҳида қайд этилди. Дарҳақиқат, бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, авваламбор, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга, унинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилмоқда. Бу борада барча тармоқда соғлом ва шаффоф сиёсат олиб борилаяпти.

Бухоро вилоятида ҳам Ҳаракатлар стратегиясига асосан, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Энг аввало, ёшлар бандлигини кафолатлаш, айниқса, таълим муассасалари битирувчилари учун иш ўринлари очиш борасида алоҳида тизим яратилди. Натижада қисқа муддатда 4 мингга яқин битирувчи иш билан таъминланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга киритилаётган пахтани етиштиришдан бошлаб якуний маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш жараёнини қамраб оладиган кластер тизими жорий этилди. Ушбу тизим меҳнаткашларга муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш имконини бермоқда.

Йонас АСТРУП, Халқаро меҳнат ташкилотининг техник масалалар бўйича бош маслаҳатчиси:

— Дунё ҳамжамияти бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқаро ҳамжамият учун очиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб, ўзбек халқига муносиб келажакни барпо қилиш йўлида кун тартибида турган ўткир масалаларни ҳал этишга тайёр эканлигини билдирди. Юртингизда жуда кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бераётир. Шуни мамнуният билан айтамизки, бугун парламент юқори палатаси ялпи мажлисида ушбу долзарб масала, яъни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилгани ҳам республика раҳбариятининг бу борадаги қатъий сиёсатидан далолатдир.

Нина КОЛИБАШКИНА, Жаҳон банкининг ижтимоий ривожланиш бўйича катта мутахассиси:

— Жаҳон банки Ўзбекистоннинг вақт синовидан ўтган узоқ муддатли шериги ҳисобланади. Биз мамлакатингизда 25 йил давомида, айниқса, шу кунларда қатор соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган лойиҳалар устида фаол иш олиб бораяпмиз. Сўнгги вақтда Ўзбекистондаги улкан ўзгаришлар, Болалар ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш самарали фаолият олиб бораётгани халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда. Юртингизда жорий йилда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ушбу масаланинг юқори даражада, яъни Сенатда муҳокама қилинаётгани биз учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу мамлакатингиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни, фуқаролар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш масаласида собит эканлигини амалда кўрсатади. Биз бундан кейин ҳам ушбу муаммоларнинг тизимли ҳал этилишида, хусусан, қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори бўлиб қолишга тайёрмиз.

Зулфия ҲАЙДАРОВА, Қашқадарё вилоятидаги "Юксалиш" ахборот-маслаҳат ресурс маркази раҳбари:

— Мен нодавлат нотижорат ташкилотлари вакили сифатида мазкур масалада ўзимнинг холис фикрларимни, кузатишларимни билдирмоқчиман. Бир неча йиллардан бери Қашқадарё вилоятида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш мақсадида мониторинг гуруҳи фаолиятида иштирок этиб келаман. Шуни фахр билан айтмоқчиманки, бугунги кунда болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатларига тўлиқ барҳам берилди. Ушбу йўналишда муайян натижаларга эришилди. Мониторинг гуруҳи билан таълим, тиббиёт муассасаси бўладими, қаерга бормайлик, биз бундай ҳолатларга умуман дуч келмадик. Одамлар билан мулоқот жараёнида фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти йилдан-йилга ошиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Бугун юртимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол қатнашаётгани диққатга сазовор.

Олий Мажлис Сенатида мазкур долзарб масаланинг муҳокама қилингани давлатимиз томонидан мажбурий меҳнат ҳамда болалар меҳнатининг олдини олишга юксак даражада эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Бу фақатгина давлат органларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, ушбу жараёнда жамоат ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсатиши керак. Юртимизда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг олдини олиш бўйича халқаро ҳамжамиятга холис ахборот етказиб беришда тизимли иш олиб боришимиз зарур.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

Муаммо ўртага ташланди. Натижаси-чи?

Бугун "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" каби эзгу тамойиллар ҳаётимиздан чуқур ўрин эгалламоқда. Буни суд, ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари раҳбарларининг Самарқанд вилоятида ўтказилган сайёр қабуллари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси К. Комиловнинг сайёр қабулларида фуқароларнинг уй-жой, мулкий низолар, ажрим, фирибгарлик, ер ажратиш ва оиланикоҳ билан боғлиқ мурожаатлари кўрилди. Адолатли ҳамда қонуний ечимини таъминлаш учун улар назорат тартибида ўрганишга олинди. Жумладан, Ургут туманилик даъвогар Т. Қулматов жавобгар И. Юсуповга нисбатан мол-мулкни қайтариб олиш билан боғлиқ фуқаролик иши 2011 йилдан буён кўрилаётгани, яъни иш тегишли судлар томонидан чўзиб юборилаётганидан норози бўлган. Унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Самарқанд туманилик Н. Маҳмудовнинг ермулк эгалиги, Ургут туманидан Н. Ҳайдарованинг ўз автомашинасига қўйилган тақиқни олиб ташлаш ҳақидаги мурожаатлари адолатли ўрганилиб, тегишли тушунтиришлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И. Абдуллаев томонидан ўтказилган сайёр қабулларда фуқаролар прокуратура соҳасига тегишли ва ҳуқуқ бузилишларига оид муаммоларни ўртага ташладилар.

— Иккинчи гуруҳ ногирониман, — дейди Пастдарғом туманининг Найман маҳалласида яшовчи С. Сувонова. — Бир неча йиллардан буён даволаниш учун ордер ололмайман. Бугунги сайёр қабулда ушбу мурожаатим ижобий ҳал этилиб, даволанишим учун йўлланма берилди.

— Фарзандимга 5 йилдан буён алимент пули олганим йўқ, — дейди Каттақўрғон туманининг Пайшанба шаҳарчасида яшовчи М. Аҳмедова. — Бош прокурордан шу масалада ёрдам беришини сўрадим. Муаммога бир зумда ечим топилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П. Бобожоновнинг сайёр қабулларида фуқароларнинг соҳага оид масалалар юзасидан мурожаатлари тингланди.

— 2014 йилда Тошкент давлат юридик университетини тугатганман, — дейди Самарқанд шаҳрилик Д. Облоқулов. — Мутахассислигим бўйича Ички ишлар Академиясига ишга кирмоқчи бўлганимда, Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга эмаслигим учун ҳужжатларимни қабул қилишмади. Шу масалада вазирга мурожаат этдим. Менга тегишли йўл-йўриқ кўрсатилишидан ташқари, иш масаласида масъул ходимларга топшириқ берилди.

Ички ишлар соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган А. Сафаров кенжа ўғли шу соҳага ишга кириш истагида эканлигини, аммо синовдан ўта олмагани боис такрорий имтиҳон топширишга имконият берилишини сўраб мурожаат қилган. Масала фуқаро фойдасига ҳал бўлди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари А. Тошқулов сайёр қабулларида инсон ҳуқуқларининг бузилиши, тадбиркорликка тўсиқлар ва ижтимоий масалаларга доир мурожаатлар кўрилди.

— Ўғлим биринчи гуруҳ ногирони, оилали, бир фарзанди бор, — дейди Жомбой туманидаги Ҳалвойи маҳалласида яшовчи Х. Шодмонова. — Унга ўз ҳовлимдан бир хонали иморат кўтардим, лекин томини ёпишга қурбим етмаяпти. Шу пайтгача ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилганман. Лекин келиб кўриб кетишди-ю, ҳеч қандай натижа чиқмади.

Бу масала билан туман ҳокимлиги ҳамда маҳалла вакиллари шуғулланиб, мурожаат қилувчининг оиласига ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Жомбой туманилик Ф. Ҳайдарова яшаб турган уйи кадастр ҳужжатлари қайнотасининг номига расмийлаштирилгани, қайнонақайнотаси вафот этгач, мархум турмуш ўртоғининг қариндошлари тураржойга даъво қилаётганлиги, уй таъмирталаб аҳволда эканлигини айтиб, мурожаат этди. Таъмирлаш учун ҳомийлар жалб қилинди. Уйга эгалик қилиш юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди. Шунингдек, фуқаро трикотаж цехига ишга жойлаштирилди.

Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси раиси М. Тоҳирийнинг сайёр қабулларида тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар вакиллари, жисмоний шахслар соҳага оид ўзларини қизиқтирган масалаларга жавоб олдилар.

— Фаолиятим давомида чет давлатлар божхона органлари билан бир неча бор тушунмовчиликлар юз берган, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи тадбиркор К. Жўрамуродов. — Бу ҳолат бошқа мамлакатда бўлгани учун муаммо туғдиради. Бугунги суҳбатда ана шундай ҳолатларда Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасига мурожаат этиш мумкинлигини, ҳар бир давлат божхона органлари билан доимий ҳамкорлик ўрнатилганлигини билиб олдим.

Расмиятчиликларсиз ўтган очиқ ҳамда самимий мулоқотларда тадбиркорлар ўз таклифларини билдириш имконига ҳам эга бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиевнинг сайёр қабулларида фуқаролар ва тадбиркорларнинг соҳага оид мурожаатлари ўрганилди.

Э. Сайдуллаев: "Тадбиркорман, ижарада фаолият юритаман. Омихта ем ишлаб чиқарамиз. Ер солиғини тўлайман. Бу борада енгиллик борми?" дея мурожаат қилган.

Фуқарога у юридик шахс мақомига эга бўлгандагина имтиёзлар берилиши ва ер солиғидан озод қилиниши мумкинлиги билдирилди.

Бўлиб ўтган мазкур сайёр қабуллар жараёнида аксарият мурожаатлар ижобий ҳал этилган бўлса, вақт талаб қиладиганлари юзасидан масъул шахсларга зарур кўрсатмалар берилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИЛИК

Ўзбекистонда илк бор катта ҳажмда такрорий пилла етиштирилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар қути ипак қуртидан 40 килограммдан ошириб юқори сифатли "кумуш тола" олинди.

Ҳар толаси «кумуш»дан

"Ўзбекипаксаноат" уюшмасидан маълум қилишларича, кузги пилла ҳосили учун 10 минг 500 қути маҳсулдор ипак қурти уруғи тарқатилган эди. Улар 26 минг хонадонда интенсив технологиялар асосида парваришлангани туфайли дастлабки йилдаёқ кутилган натижага эришилди: сифат кўрсаткичлари баҳордагисидан қолишмайдиган 424 тонна саноатбоп пилла етиштирилди.

— Президентимизнинг шу йил 29 мартдаги қарорига асосан, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ташкил этилиб, пиллачилик тубдан ислоҳ қилинаётгани шу каби янгиликларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, тармоқни иқтисодиётимизнинг сердаромад соҳаларидан бирига айлантиришга кенг йўл очиб берди, — дейди уюшма раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Очилов. — Бу жараёнда, айниқса, пиллачилар моддий манфаатдорлиги оширилиб, бир мавсумда ишлаган даврлари пенсия тайинлашда бир йил меҳнат стажига ўтиши соҳага бўлган қизиқишни янада кучайтирди. Такрорий пилла етиштирувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳам янги тизим яратилиб, тарози бошидаёқ тўлиқ ҳисоб-китоб қилингани эътиборга моликдир.

Мутахассисларнинг айтишича, жорий мавсум тажрибаси тут барги баҳорда 20 кунда қотса, кузда бу жараён атиги бир ҳафтада рўй беришини кўрсатди. Бу эса келгуси йилдан эътиборан мавсум давомида уч марта ҳосил етиштиришга аҳд қилган юртимиз пиллачилари, аввало, озуқа масаласини ҳал этишини тақозо қилаётир. Шу боис "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан ипакчилик соҳаси тараққий топган давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилган ҳолда, тутчиликда Хитой технологияси жорий этилмоқда.

Гап шундаки, 2018 йилда Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жами 1,5 минг гектар майдонда ўрма тутзорлар барпо қилинади.

— Мазкур технологиянинг афзаллиги шундаки, экилган тут ниҳоллари ўша йилдаёқ, яъни олти ойда дастлабки ҳосилни бера бошлайди, — дейди уюшма раиси ўринбосари Олим Жумаев. — Бўйи ўртача бир метрга етадиган тут новдалари беда каби ўриб олингач, 60 кунда қайта ўсиб, яна барг беради. Шу тариқа мавсум давомида тўрт мартагача тут ўриб олиниб, ипак қуртлари юмшоқ озуқа билан барқарор таъминланади.

Юртимиз иқлим шароити мавсумда 2-3 марта эмас, балки бутун йил давомида ипак қурти парваришлаш имконини беради. Шу боис такрорий пиллачиликни ривожлантириш орқали "кумуш тола" етиштириш ҳажмини муттасил кўпайтиришга қаратилган "занжирсимон усул" амалиётга изчил жорий этилаяпти. Бунинг самараси тезда кўзга ташланиши, яъни қайта ишлаш корхоналари тўлиқ қувватда фаолият юритиши, хорижга хом ашё эмас, балки тайёр ипакчилик маҳсулотлари экспорт қилина бошланиши кутилмоқда. Зеро, жорий мавсумда ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз кўп пилла олишга муваффақ бўлинди.

Кеча пойтахтимизда "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан ўтказилган "Ўзбек ипакчилиги янги босқичда: муаммолар, ютуқлар, изланишлар" мавзуидаги анжуманда ана шулар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнес катта ишларга киришади

"Навоий" эркин иқтисодий зонасида "Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан ҳамкорлик механизмлари" мавзуида ўтказилган семинар-тренингда юртимизда иқтисодиётнинг реал сектори — тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда Бухоро, Самарқанд ҳамда Навоий вилоятларида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари қатнашди.

СЕМИНАР

Тадбирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтириш мақсадида турли имтиёз ҳамда преференциялар қўлланилаётгани, айниқса, халқаро молия институтлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик, хориж инвестицияларини кенг жалб этиш чора-тадбирлари ижобий самаралар бераётганлиги аниқ рақамлар асосида таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик йилларида иқтисодиётимизнинг турли тармоқларига 500 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ жалб қилиниб, бунинг натижасида 54 лойиҳа амалга оширилган.

Шунингдек, семинарда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 16 март куни мамлакатимизга келган Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти билан учрашувида банк томонидан кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётганлиги эътироф этилди.

— Тадбиркорлигимиз тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган, — дейди Навоий шаҳрилик ишбилармон Ифора Муродова. — Келгусида бизнесимизни замонавий технологиялар асосида кенгайтириш ниятидамиз. Семинарда тадбиркорлар учун яратилган қўшимча янгиликлар хусусида атрофлича маълумот олдик. Ушбу нуфузли банк вакилларининг биз, тадбиркорлар билан учрашиб, ўз таклифларини бергани ҳамда ҳамкорлик ўрнатишни таклиф қилгани катта имкониятдир.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Марказий Осиё ҳамда Россия бўйича бошқарувчи директори Наталья Ханженкованинг билдиришича, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни янада тараққий топтириш, уларга молиявий кўмак бериш мақсадида тижорат банклари билан ҳамкорликда тизимли ишлар йўлга қўйилади. Бу табиийки, маҳаллий тадбиркорлик субъектларини модернизациялаш ҳамда уларнинг ўз рақобатдош маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқишида муҳим омил бўлади.

— Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан бўлиб ўтган самимий мулоқот менда катта таассурот қолдирди, — дейди Н. Ханженкова. — Семинардан аввал "Навоий" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиб, амин бўлдимки, юртингизда тадбиркорликни ривожлантириш учун имкониятлар кенг. Биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида ўз вазифаларимизни белгилаб олдик. Бу борадаги илк лойиҳаларни муҳокама этдик. Ишбилармонларга қандай консалтинг хизматлари кўрсатиш лозимлиги бўйича режалар туздик. Умид қиламизки, юртингизда кичик бизнесни янада ривожлантириш бўйича мамлакатингиз Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликдаги ишларимиз ўз самарасини беради.

Семинарда вилоят ҳокими Қ. Турсунов иштирок этди.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУД ҲИМОЯСИДА

Юртимизда судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида шакллантириш ҳамда уни инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилувчи мустақил институтга айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этаётган тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижалари ҳам буни тасдиқлайди.

Ҳукм адолатга бўйсунади

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Энг муҳими, у замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, тобора такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, Асосий Конунимизда ҳар бир шахс мулкдор бўлиши, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этиши белгилаб қўйилган. Тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тадбиркорларимиз ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли жиноят ишларини кўриб чиқишда ҳам ана шу тамойилларга амал қилинаётгани ўз самарасини бераётир.

Буни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан жорий йилнинг олти ойида 225 нафар шахсга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 168 та жиноят иши кўрилгани ва шундан 27 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилгани мисолида ҳам англаш мумкин. Ўтган йилнинг шу давридагига қиёслайдиган бўлсак, ушбу кўрсаткич 2 баробар камайган. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар судларда адолатли кўрилаётганини билдиради. Жорий йилнинг олти ойи давомида пойтахтимиз бўйича 24 нафар тадбиркорга тааллуқли 18 та жиноят иши тугатилди, 14 нафарига оид 12 та жиноят иши Жиноят кодексига мувофиқ, томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тўхтатилди.

Сўзимиз тасдиғи сифатида Учтепа тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "Л. Сардиева" номли тадбиркорлик субъекти билан боғлиқ жиноят ишини келтириш мумкин. Якка тартибдаги тадбиркор Л. Сардиева турмуш ўртоғи билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларини муттасил бузиб келган. Улар ўз фаолияти давомида тахта-ёғоч маҳсулоти сотувидан тушган 2,5 миллиард сўмлик маблағни инкассация қилмасдан, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2016 йил 6 ноябрдаги ҳукмига кўра, улар 1 йил муддатга савдо ва воситачилик ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган, шунингдек, ҳар иккисига энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима солинганди. Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг соҳага оид қатор Фармон ва қарорларидан келиб чиқиб, ушбу иш жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация судлов ҳайъати томонидан қайта кўриб чиқилди ҳамда уларга қўлланилган 1 йил муддатга савдо ва воситачилик ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси олиб ташланди.

Умуман олганда, судлар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. Пировардида эса "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган эзгу ғоялар ўзининг ҳаётий исботини топмоқда.

Ориф ҚЛИЧЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.

ТАЪЛИМ

Жиззах шаҳрида она тили ва адабиёт фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган, юртимизнинг таниқли шоир ҳамда шоираси Ҳамид Олимжон ва Зулфия номи билан аталувчи янги бунёд этилган мактаб-интернат ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия номи билан аталувчи мактаб-интернат иш бошлади

Мазкур билим даргоҳига вилоятнинг шаҳар ҳамда туманларидан тест синовлари асосида 120 нафар иқтидорли ўғил-қиз 5, 6, 7, 8-синфларга ўқишга қабул қилинди.

— Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 27 апрель куни вилоятимизга ташриф буюрганида, халқимизнинг шу ерда туғилиб камол топган атоқли намояндалари Ҳамид Олимжон ва Зулфия номи билан аталувчи мактаб-интернатни ташкил этишни тавсия қилгандилар, — дейди мактаб-интернат директори Сардор Расулов. — 2017 йил 23 июнда бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Ўтган қисқа вақтда, яъни беш ой мобайнида барпо этилган мактаб-интернат адабиётга иштиёқманд ёшларни ўз бағрига олиш билан бирга, биз, устозларга ҳам ҳақиқий туҳфа бўлди.

Тўрт қаватли қилиб қурилган замонавий мазкур бино атрофида кўркам адабиёт боғи ҳам яратилди. Бу ерда шинам синфхоналардан ташқари, 100 ўринли ётоқхона, ошхона, фаоллар зали мавжуд. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида спортнинг футбол, баскетбол, волейбол турлари билан шуғулланиш имкониятига эгадирлар.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сенсорли бошқарув, юқори ҳаракат ва хавфсизлик

янги корхонанинг маҳсулотларига белгиланган талаблар мезонидир

Гулистон шаҳрида лифт ва эскалаторлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, хорижий сармоя иштирокидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Modern Lift Systems" корхонаси фойдаланишга топширилди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

— Бугунги кунгача умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган лойиҳанинг 1,5 миллион АҚШ долларилик қисми ўзлаштирилди, — дейди МЧЖ бош директори Камрон Уйғунов. — Корхонамиз йилига 300 та барча турдаги лифт ҳамда 200 та эскалатор тайёрлаш қувватига эга. Мазкур ускуналар ички бозордан ташқари, хориждлик буюртмачиларга ҳам етказиб берилади. Яъни ҳозирча маҳсулотимизнинг камида 30 фоизини экспортга йўналтиришни мўлжаллаяпмиз.

Эътиборлиси, жамият маҳсулотлари замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради: техник жиҳатдан хавфсиз, фойдаланишда қулай, экологик тоза. Қолаверса, буюртмачининг хоҳишига кўра, лифт интерьерини турли кўринишда безатиш, тезлигини танлаш имконияти ҳам мавжуд.

Корхона мутахассисларининг айтишича, энг юқори ҳаракатни сониясига 4 метргача етказиш мумкин. Эшикларига сенсор бошқаруви ўрнатилгани эса фойдаланувчилар учун яна бир катта қулайликдир.

Шу билан бирга, лифтлар қаватларни овозли тарзда эълон қилиб боради. Қолаверса, ногиронлар учун ҳам барча қулайлик яратилганлиги эътиборга молик. Хусусан, кўзи ожизлар учун мурватлар тагига брайл ёзуви битилган. Кондиционер ва ҳаво айлантирувчи мосламалар билан жиҳозланган интерьерда электр энергияни захирада сақловчи манба ҳам мавжуд. Қисқача айтганда, бу ерда ишлаб чиқарилаётган лифт ҳамда эскалаторлар жаҳоннинг бошқа мамлакатларида тайёрланаётган турдошлари билан бемалол рақобатлаша олади.

2019 йилда лифт ва эскалаторларнинг зарур эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўрсаткичи 40 фоизга етказилади. Бу кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилади, демакдир.

Айни чоғда корхонада 25 нафар маҳаллий мутахассис фаолият юритмоқда. Лойиҳа тўла амалга оширилгач, жамоа сафи яна бир неча баробар кенгаяди.

Энг муҳими, шу пайтгача асосий қисми хориждан келтирилаётган лифт ҳамда эскалаторлар ўрнини энди ўзимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий турдош маҳсулотлар эгаллайди. Юртимизда жадал олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларидан аёнки, айни пайтда импорт ўрнини босувчи бу қурилмаларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, "Modern Lift Systems"нинг лифт ва эскалаторлари иншоотларга янада замонавийлик, ажиб кўркамлик бахш этиши баробарида, халқимизга қулай шарт-шароитларда яшаш ҳамда меҳнат қилиш имкониятини беради.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энди идорама-идора юришга ҳожат йўқ

Шу йилнинг 14 сентябридан эътиборан Тошкент шаҳрида кўп қаватли тураржойлардаги хонадонлар, яъни квартиралар бўйича битимларни нотариал тартибда расмийлаштириш учун бериладиган маълумотнома тақдим этиш юзасидан аризалар қабул қилиш тўхтатилди. Эндиликда фуқаролар бундай маълумотларни идорама-идора юриб йиғишларига ҳожат қолмади.

АНЖУМАН

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз юритилди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги "Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар "Ермулккадастр" давлат корхонаси ҳамда давлат нотариал идоралари ўртасида электрон ахборот алмашинуви тизими йўлга қўйилди, — дейди "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Сарвар Қодиров. — Бу биринчи босқичда йўлга қўйилган тадбирлар эди. Ушбу тизим иккинчи босқичда нотураржой ҳамда якка тартибдаги уй-жойлар учун ҳам қўлланилади. Айни пайтда жисмоний шахсларга тегишли 164 мингдан зиёд объектлар бўлса, шундан 77 мингдан ортиғи хатловдан ўтказилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда пойтахтимизда миллий ва замонавий дизайн асосида кўплаб иншоотлар бунёд қилинаётир. Мутахассисларнинг маълумот беришича, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи бутунлай ўзгача услубда қайта реконструкциялаштирилади. Бунинг учун 60 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади. Бундан ташқари, "Чорсу" маж-муасини таъмирлаш ҳамда қайта қуришда янги туристик маршрут йўналишини йўлга қўйиш ҳам инобатга олинган бўлиб, бу пойтахтимизга ташриф буюрадиган чет эллик меҳмонлар учун янада қулайлик яратади.

Анжуманда, шунингдек, Сергели туманида қурилаётган кўп қаватли тураржойлар, барпо этилаётган объектлар ва келгусида қад ростлайдиган иншоотлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Р. ОТАМУРОДОВ.

Қишга тайёргарлик:

Аҳоли иссиқлик таъминотидан розими?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Газетхонларимизни ўйлантираётган масалалардан яна бири иссиқ сув ва иситиш хизматларининг нархи билан бевосита боғлиқ. Янги тарифларга кўра, 21 июлдан бошлаб бу нархлар 5 фоиз ошган. Яъни ҳисоблагич мавжуд бўлганда, иссиқ сувнинг бир куб метри 3 915,9 сўмга тенг. Акс ҳолда, истеъмолчи бир ойда 15 292,52 сўм тўлайди. Ювиниш хоналари умумий бўлган ётоқхоналарда иссиқ сувнинг нархи ҳар бир киши учун 11 376,16 сўм. Иситиш нархлари ҳам бир оз кўтарилган. Ҳозирги пайтда иситиладиган майдоннинг ҳар бир квадрат метри учун 1 323,86 сўм миқдорида нарх белгиланган.

Эътиборли яна бир жиҳат шундан иборатки, тўловларни олдиндан, янги тариф ўрнатилмай туриб, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун тўлаб қўйганлар шу муддат давомида иссиқ сув ҳамда иссиқлик энергиясидан эски нархларда фойдаланишлари мумкин.

Нархлар кўтарилиши билан боғлиқ ҳолда табиий савол туғилади: хўш, иссиқлик етказувчи ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати таъминланадими? Бинобарин, шу мақсадда қандай ишлар амалга оширилди?

"Тошиссиққуввати" корхонаси бош муҳандиси ўринбосари Эркин Муҳаммедовнинг айтишича, 2017/2018 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жорий йилнинг март ойидан бошлаб юборилган ва айни пайтга келиб, режалаштирилган ишлар бажарилган. Хусусан, 30 километр узунликдаги эскирган қувурлар алмаштирилди, 378,2 километрда магистрал ҳамда тақсимловчи тармоқларда таъмирлаш ишлари ўтказилди. Марказий иссиқлик манбаларидаги 13 та қозон капитал таъмирдан чиқарилди, маҳаллий қозонхоналардаги 586 та қозон, шунингдек, 55 та насос станцияси эса жорий таъмирланди. Иситиш тизимларини модернизация қилиш мақсадида маҳаллий қозонхоналарда замонавий ва энергия тежовчи 12 та қозон ўрнатилди. Ҳозирги кунда яна 6 та ана шундай қозонни харид қилиш ҳамда ўрнатиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Шубҳасиз, бу рақамлар "Тошиссиққуввати" корхонаси томонидан 2017/2018 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича муайян ишлар амалга оширилганлигини кўрсатади. Лекин фақат рақамлар эмас, балки одамлар бу хизматдан рози бўлсагина, мақсадга эришилади. Шу маънода, фуқароларга қандай манзилли ёрдам кўрсатилди? Уларнинг илтимос ва шикоятлари тингландими, муаммолари ҳал этилдими? Таклифлари ҳисобга олиндими? "Тошиссиққуввати" корхонаси тақдим қилган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг 23 сентябрь ҳолатига кўра, фуқаролар қабулхоналарига айни масала юзасидан 711 нафар киши мурожаат этган. Шундан 637 таси ҳал қилинди, 70 таси бўйича тушунтиришлар берилди, учтаси кўриб чиқилмоқда, биттаси эса рад этилган. Уларнинг аксарияти иссиқ сув ҳамда иссиқлик энергияси учун қарзлар нотўғри ҳисобланганлиги (303 та ариза), хонадонларда иссиқ сув ва иситишнинг йўқлиги ёки даражаси пастлиги ҳақидадир (218 та ариза).

Айтиш керакки, фуқароларнинг иссиқлик таъминоти муассасалари фаолиятидан норозилиги доимо долзарблиги билан кўзга ташланади. Аҳоли кўпинча қиш-куз фаслида хонадонларнинг совиб кетишидан шикоят қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтирилган қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидаларига мувофиқ, сув олиш жойларида иссиқ сувнинг ҳарорати 50 — 75 даражада бўлиши лозим. Бунда сув олиш нуқтасида иссиқ сув ҳарорати пасайиши тунги вақтда 5 даражадан, кундузги вақтда 3 даражадан ортиқ бўлмаслиги керак. Агар иситиш таъминоти хусусида гапирадиган бўлсак, 1995 йилгача қурилган кўп қаватли турар-жой хоналаридаги ҳарорат иситиш мавсуми даврида камида 20 даража, агар кўп қаватли уйлардаги иссиқлик тизими реконструкция қилинмаган бўлса, турар-жой хоналаридаги ҳарорат камида 18 даража бўлиши шарт. Бунда сутканинг тунги вақтида норматив ҳароратнинг йўл қўйиладиган пасайиши 3 даражадан ошмаслиги зарур. Мабодо "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси хизматларни белгиланган ҳажмда ҳамда сифатли тарзда кўрсатмаётган, иссиқлик таъминотида узилишлар кузатилаётган бўлса, корхона вакили иштирокида тезкор текширув ўтказилиши талаб этилади. Текширув натижалари бўйича қарор истеъмолчининг фойдасига ҳал қилинган тақдирда, муаммо бартараф этилиши ва кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори қайта ҳисобланиши лозим.

Аммо барча ҳолатда фақатгина иссиқлик таъминоти корхонасини айблаш нотўғри. "Тошиссиққуввати" давлат унитар корхонаси иссиқлик энергияси узатилиши ҳамда етказиб берилишини амалга оширади. Кўп квартирали уйнинг иссиқлик бурчагида корхона жавобгарлиги тугайди. Ушбу жойдан иссиқликнинг хонадонларга етиб боришини хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати таъминлаши жоиз. Кўринадики, иссиқлик таъминотини узлуксиз ва сифатли етказиб бериш нафақат корхона, балки фуқаролар билан шартнома тузган ширкат зиммасига ҳам юкланган.

Хонадонларда қувурларнинг яхши исимаслигига баъзан истеъмолчилар ҳам сабабчи бўлиб қолишади. Масалан, радиаторлар узоқ муддат давомида алмаштирилмагани боис ифлосланади. Бундан ташқари, истеъмолчининг ўзбошимчалик билан иситиш тизимидан сувни чиқариб ташлаши ҳолатлари ҳам учраб туради. Гоҳида эса турар-жойдаги иссиқлик тизимини ўзича ўзгартиради. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, бутун уйнинг иссиқлик таъминоти сифатига салбий таъсир кўрсатади. Албатта, хонадон эгалари муаммоли масалаларга ечим топиш истагида тегишли ташкилотларга мурожаат этиш ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонуний ҳуқуққа эгадирлар. Аммо шу билан бирга, истеъмолчилар зиммасида тегишли мажбуриятлар ҳам борлигини унутмаслик даркор. Коммунал хизматлар учун вақтида ҳақ тўлаш, хонадонда таъмирлаш ишларини масъул ташкилотлар билан дастлабки тарзда келишиб олиш айни заруратдир.

Иситиш тармоқларининг жуда эскирганлиги ҳам иссиқлик таъминоти сифатига салбий таъсир кўрсатадиган сабаблардан бири ҳисобланади. Чунки бу ҳолат узатиш босқичидаёқ катта миқдорда иссиқлик энергияси йўқотишларига олиб келади. Шулардан келиб чиқиб, энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, қолаверса, хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш йўли билан кўп хонадонли уй-жой фонди, ижтимоий ва бошқа объектларнинг номарказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Ушбу йўналишда 2015 йилда илк қадамлар ташланган эди. Ўшанда Мирзо Улуғбек туманининг ТТЗ иссиқлик таъминотчиси ўрнида тўртта массивда 22 та маҳаллий қозонхона қурилди. Улар айни пайтда кўп квартирали уйларнинг 10 мингдан ортиқ аҳолисини иссиқлик билан таъминлаяпти. Хўш, бундай қозонхоналарнинг афзаллиги нимада?

— Биринчи навбатда, энергия ресурсларини узоқ масофага етказиб бериш ҳамда эксплуатация қилиш зарурати йўқолади, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллий қозонхоналар бошқармаси раҳбари Умид Нишонов. — Мазкур қозонхоналарни қуриш учун махсус жой ажратиш шарт-мас, уларни иситиладиган бино яқинида ўрнатиш мумкин. Бундай миниқозонхоналар юқори фойдали таъсир коэффициентига эга бўлиб, уларга хизмат кўрсатиш учун кўп ходим керак эмас. Қозонхоналарнинг фойдаланишга топширилиши билан биргина 2016 йилда 6,4 миллион куб метрдан ортиқ табиий газ, 3,6 миллион киловатт-соат электр энергияси, 1,4 миллион куб метр сув тежаб қолинди. Жами сарф-харажатлар 27 фоиз ёки бошқача айтганда, 2 миллиард сўмликдан зиёдроққа камайди.

Мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилгани уни янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатди. 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган номарказлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур, Миробод, Мирзо Улуғбек, Яшнобод ва Учтепа туманларидаги марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ўрнига маҳаллий қозонхоналар ўрнатилади. Натижада 280,8 километр канални қайта қуриш зарур бўлмайди, йилига 37,9 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади.

Пойтахтликлар учун муносиб турмуш шароитларини таъминлашда, айниқса, қишли-қировли кунларда иссиқлик таъминоти ҳамда иссиқ сув муҳим ўрин тутади. Ва табиийки, куз-қиш мавсумида Тошкент шаҳри аҳолисини иссиқлик билан сифатли, узлуксиз ва ишончли таъминлаш "Тошиссиққуввати" корхонасининг асосий вазифаси саналади. Ушбу мақсадда корхонанинг ҳар бир туман бошқармасида туну кун ишлайдиган авария бригадалари ташкил қилинган. Улар иссиқлик таъминоти тармоқлари зарарланган ҳолатларда тезкорлик билан чора кўриб, жуда қисқа вақт ичида бартараф этиш бўйича иш олиб бормоқда.

Саидазиз ШОРАСУЛОВ.

АНЖУМАН

Пойтахтимизда "Музейлар — бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Бетакрор маданиятимиз хазинаси

Тадбирда бугунги кунда республикамизда 350 дан ортиқ музей ҳамда музей фаолияти билан боғлиқ кўргазма муассасалари фаолият юритаётгани таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида 79 та музей, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида 3 та йирик музей-қўриқхона мавжуд. Улар фондида халқимиз тарихи билан боғлиқ 2,4 миллиондан зиёд нодир экспонатлар сақланмоқда.

Анжуманда давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

М. ХОЛМАТОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ҳамда ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябригача этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ УЯ-64/49 муассасаси

рақамли ҳаракатланувчи флюорографик тиббий ускуна кабинаси («ISUZU» русумли автомашинага ўрнатилиши режалаштирилган) сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Қизиқиш билдирган ташкилотлар юқорида кўрсатилган жиҳоз бўйича тижорат таклифлари беришлари мумкин. Шунингдек, таклифда комплекс жиҳознинг техник характеристикаси, етказиб бериш муддати, ишлаб чиқарилган санаси ҳамда ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг маълумотлари тўлиқ кўрсатилиши шарт.

Таклифлар жорий йил 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шайх-Али кўрғони, УЯ-64/49 муассасаси.
Мурожаат учун телефонлар: (0-375) 226-51-23, (+99898) 776-00-49.
Факс: (0-375) 226-51-23.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРДАН 22 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 14 августдаги 2017-43-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475-3 (2017 йил 25 сентябрдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2017 йил 21 августдаги 65-сон «Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг ноллик масофаларини ўлчаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2931 (2017 йил 25 декабрдан кучга киради).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2017 йил 28 августдаги 2017-07-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-7 (2017 йил 25 сентябрдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 4 сентябрдаги 128-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-3 (2017 йил 25 сентябрдан кучга кирди).

ЯНГИ ЛИНИЯ ИШГА ТУШИРИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимиз иқтисодиёти, архитектура ва шаҳарсозлиги равнақида тадбиркорлик субъектлари, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрни беқиёс, — дейди жамиятнинг цемент ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Улуғбек Умаралиев. — Умумий қиймати 6 миллиард сўмлик мазкур линияда йилига 3,5 минг тонна юқори сифатли пишиқ ғишт ишлаб чиқарилади. У Цельсий бўйича 1000 — 1300 даража ҳароратга ҳам бардошлидир.

Линия Хитойдан келтирилган замонавий технологиялар ҳамда илғор ускуналар билан жиҳозланган. Бу эса иш унумдорлигини ошириши баробарида, сарф-харажатларни ҳам бирмунча камайтиради.

Тадбир иштирокчилари маҳсулот тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишиб, яримқуруқ хом ашё ярим-автоматлаштирилган махсус технологиялар ёрдамида юқори босим остида қаттиқ жипсланиши, баланд ҳароратда пишитилиши, тайёр ғиштнинг экологик тозалиги таъминланишига гувоҳ бўлдилар.

"Оҳангаронцемент" акциядорлик жамияти бош директори Геннадий Куликовнинг айтишича, ҳозирги кунда Ўзбекистон бозорида бундай ғиштларга эҳтиёж йилига 7 минг тоннани ташкил этади. Эндиликда технологик линия томонидан унинг ярми қондирилади. Келгусида эса корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 минг тоннага етказилиши нафақат ички бозор талабини тўлиқ таъминлаш, балки экспортни кенгайтириш имконини ҳам беради.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
Беларусь Республикаси
Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан таклиф этади.
Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94.
www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru
Маҳсулот сертификатланган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ

БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

- Санъат назарияси ва тарихи кафедраси мудири.
- Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси профессори — 1 ўрин.
- Хореография кафедраси доценти — 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимнинг шахсий варақаси;
- маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги дипломлар нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган);
- малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.
Телефонлар: (0-371) 256-36-91, 256-24-36.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 75 976 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6766

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5